

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2020.I.16.02 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**  

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**БЕРДИЁРОВ ТЕМУР АЗАМатовИЧ**

**ЖАМОАТ ТРАНСПОРТИ ФАОЛИЯТИДА МАРКЕТИНГ**  
**ТАДҚИҚОТЛАРИДАН ФойДАЛАНИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.11 – Маркетинг

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
экономическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) in  
Economic Sciences**

**Бердиёров Темур Азаматович**

Жамоат транспорти фаолиятида маркетинг тадқиқотларидан фойдаланишни  
такомиллаштириш..... 3

**Бердиёров Темур Азаматович**

Совершенствование использования маркетинговых исследований в  
деятельности общественного транспорта..... 25

**Berdiyrov Temur Azamatovich**

Improving the use of marketing research in public transport..... 47

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 51

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2020.I.16.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**БЕРДИЁРОВ ТЕМУР АЗАМатович**

**ЖАМОАТ ТРАНСПОРТИ ФАОЛИЯТИДА МАРКЕТИНГ**  
**ТАДҚИҚОТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.11 – Маркетинг**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

Филсафа доктори (Phd) диссертациясини мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.2.PhD/Iqt1131 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.  
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-сайтида ([www.tdau.uz](http://www.tdau.uz)) ва «Ziyouet» Аxbорот-таълим порталида ([www.ziyouet.uz](http://www.ziyouet.uz)) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Эргашхаджаева Шахноза Джасуриевна иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Акромов Тоҳир Абдураҳмонович иқтисодиёт фанлари доктори, профессор Зоҳидов Азизматов Аҳмадомич иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Тошкент давлат транспорт университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2020.1.16.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «18» 11 кунн соат 14<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислам Каримов кўчаси, 49-уй. Тел: (99871) 239-41-51; факс: (99871) 239-01-49, e-mail: [tdau@tdau.uz](mailto:tdau@tdau.uz)).

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Аxbорот-ресурс марказида танишиш мумкин (1093 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислам Каримов кўчаси, 49-уй. Тел: (99871) 239-28-72; факс: (99871) 239-41-23; e-mail: [tdau@tdau.uz](mailto:tdau@tdau.uz)

Диссертация автореферати 2021 йил «05» 11 кунн тарқатилди.  
(2021 йил «05» 11 даги 19 рақамли реєстр баёжномаси)



  
M.H. Zinov  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

  
D. Makhlova  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш аъзоси, и.ф.ф.д.

  
D.X. Sultonov  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби ва илмий раиснинг ўринбосари, иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда ҳаракатчанликни таъминлаш, табиий ресурсларни тежаш, иш ўринларини яратиш, атроф-муҳит бўйича давлат сиёсатини қўллаб-қувватлашда, жамоат транспорти мамлакатнинг иқтисодий самарадорлигига таъсир қиладиган асосий мезонлардан бири ҳисобланади. «Ҳозирги кунда дунёда жамоат транспорти фаолиятининг 40 га яқин тури бўлиб, 100 дан ортиқ турдаги тадбиркорлик шакллари бўйича фаолият юритмоқда»<sup>1</sup>. «Статистик маълумотларга кўра, дунё транспорт хизматлари улуши тижорат хизматларининг 19 фоизини (1.15 триллион доллар) ташкил этмоқда»<sup>2</sup>. «Дунё бўйлаб автомобиль ва темир йўлдаги йўловчилар транспорти бозори 2020 йилда 412,7 миллиард доллардан 2021 йилда 460,8 миллиард долларга ортиши кутилмоқда, CAGR (Compound Annual Growth Rate – мураккаб фоизда ўртача йиллик ўсиш суръати) бўйича бу йиллик ўсиш суръати 11 фоизни ташкил этади. Ғарбий Европа глобал йўловчилар транспорти бозоридаги энг йирик минтақа бўлиб, 2020 йилда бозорнинг 39 фоизини, Осиё мамлакатлари эса жаҳон бозорининг 29 фоизини эгаллаган»<sup>3</sup>. Шахсий автомобиллар сони ошиши, экологиянинг бузилиши, тирбандлик, энергия ва нефть сарфининг ошиши, йўл-транспорт ҳодисалари ортиши жамоат транспорти фаолиятида самарадорликни ошириш учун маркетинг тадқиқотларидан самарали фойдаланишни талаб этмоқда.

Жаҳонда халқаро жамоат транспорти иттифоқи (UITP), McKinsey & Company, Транспорт ва ривожланиш сиёсати институти (ITDP), Халқаро автомобиль транспорти иттифоқи (IRU), Жаҳон банки (Worldbank) тадқиқотларига таянсақ, жамоат транспорти ҳолати давлатларнинг иқтисодий ривожланишига жуда катта таъсир кўрсатади. Жаҳон илм-фанида жамоат транспорти фаолиятида маркетинг тадқиқотлари бўйича Scopus маълумотлар базасида 1000 дан ортиқ илмий мақолалар чоп этилган. Ҳозирги кунда жаҳонда Сингапур, Германия, Франция, Жанубий Корея, Хитой ва Япония сингари бир қатор давлатлар жамоат транспортида хизматларни кенгайтириш ва истеъмолчи хулқ-атвори сингари устувор йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб бормоқда.

Ўзбекистонда ҳам жамоат транспорти фаолиятида кўплаб ислохотлар олиб борилмоқда. Моторсиз транспорт воситалари, автобус бекатлари, автоматлаштирилган чипта тизими, қулай ва маълумотга эга бекатлар, интеграциялашган тариф режалари, оптимал йўналишлар ва бошқа кўплаб муаммолар бартараф этилмоқда. Транспорт корхоналари ва уларнинг хизматлари истеъмолчилар фаолиятининг иқтисодий шароитлари, транспорт хизматлари бозори шаклланиши ва транспорт бозори субъектлари ўртасида рақобат кучайиши, унда маркетинг фаолиятига таъсирчанлик омиллари

<sup>1</sup> [https://en.wikipedia.org/wiki/Public\\_transport](https://en.wikipedia.org/wiki/Public_transport)

<sup>2</sup> <https://data.worldbank.org/indicator/TX.VAL.TRAN.ZS.WT>

<sup>3</sup> <https://www.thebusinessresearchcompany.com/report/transit-and-ground-passenger-transport-global-market-report-2020-30-covid-19-impact-and-recovery>

транспорт тизими фаолиятининг тобора ўзига хос хусусиятларига айланиб бормоқда<sup>4</sup>. Бундай шароитда бозор талабларини ҳисобга олмасдан, ҳеч бир транспорт компанияси меъёрида ривожлана олмайди. Транспорт корхоналари ўртасида тобора кучайиб бораётган рақобат шароитида ягона мумкин бўлган ва тўғри йўл транспорт хизматлари бозорини ўрганиш, маркетинг тадқиқотларини ўтказиш ва улар асосида тўғри бошқарув қарорларини қабул қилиш учун тўлиқ ва ишончли маълумотларни тўплаш зарур. Маркетинг тадқиқотлари транспорт компаниясини режалаштириш бўйича тавсияларни шакллантиришдан иборат консалтинг функцияси билан бозорнинг ҳолати, рақобатчилар фаолияти, истеъмолчиларнинг талаб ҳақида ишончли маълумотларини тақдим этишни ўз ичига олган ахборот функциясини бирлаштиради.

Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони, 2021 йил 7 майдаги ПҚ-5108-сон «Автомобиль транспортида йўловчилар ташиш фаолиятини тартибга солишни янада соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 29 декабрдаги 812-сон «Автотранспорт воситаларини ёллаш ва ижарага бериш фаолиятини қўллаб-қувватлаш, электромобиллар ва мототранспортлардан фойдаланиш, шунингдек, велосипедда мамлакат бўйлаб ҳаракатланишни ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»га, 2013 йил 12 ноябрдаги 308-сон «Шаҳар йўловчи ташиш транспорти тизимини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ва мазкур соҳага тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг ИТД-2 «Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, фуқаролик жамиятини шакллантириш, миллий иқтисодиётни модернизациялаш ва эркинлаштиришнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Маркетинг тадқиқотларига хорижий олимлардан Ч.Парлин, Д.Аакер, Г.Черчилль, Б.Берман, Ф.Котлер, Т.Левитт, Ж.Эванс, П.Шукла, Н.Малхотра ва бошқа чет эллик олимлар катта ҳисса қўшганлар<sup>5</sup>. Транспорт маркетингининг назарий ва услубий асосларига

<sup>4</sup> Мордовченков Н.В. (2018). Методические и методологические основы формирования комплексного маркетингового исследования на транспорте: институционально-инфраструктурный аспект. Вестник Астраханского государственного технического университета. Серия: Экономика, (3).

<sup>5</sup> Ward, D. (2010). A New Brand of Business: Charles Coolidge Parlin, Curtis Publishing Company, and the Origins of Market Research. Philadelphia: Temple University Press. Retrieved April 25, 2021, from <http://www.jstor.org/stable/j.ctt14bt4qg>; Аакер Д., Кумар В., Дэй Дж. Маркетинговые исследования. 7-е издание. / Пер. с англ. – СПб.: Питер, 2004. – 848 с.; Черчилль Г.А., Браун Т.Д. Маркетинговые исследования. 5-е изд. / Пер. с англ. – СПб.: Питер, 2010. – 704 с.; Левитт Т. (2001). Маркетинговая миопия. Классика маркетинга: сборник работ, оказавших наибольшее влияние на маркетинг: Пер. с англ./Сост. БМ Энис, КТ Кокс, МП Москва, 11-34.; John Wiley &

К.Барнс, Д.Уотерс ва А.Бачурин илмий, амалий ва назарий жиҳатдан ёндашганлар<sup>6</sup>.

МДХ давлатлари олимларидан маркетинг тадқиқотларидан фойдаланиш масаласини И.К.Беляевский, Е.П.Голубков, А.И.Борким ва А.В.Коротков ўз илмий ишларида батафсил баён қилганлар<sup>7</sup>.

Ўзбекистонда маркетинг тадқиқотлари масалалари М.А.Икрамов, М.С.Қосимова, М.Р.Болтабаев, Ш.Дж.Эргашходжаева, А.Солиев, Ғ.А.Саматов, Н.Ч.Сафаров, А.А.Фаттохов, К.Ўлжабоев, Ж.Ж.Жалолов, И.А.Аҳмедов, И.С.Хотамов, А.Эргашев, А.Қ.Мирзажонов, Б.Н.Мамаев, Н.И.Саидахмедова, Д.Ж.Жалолова ва Л.Т.Абдухалилованинг илмий тадқиқот ишларида ўз аксини топган<sup>8</sup>.

Шунингдек, транспорт инфратузилмасини ривожлантириш, фаолиятини ташкил этиш, рақобатбардошлигини ошириш, маркетинг муаммолари, жамоат транспорти молиявий кўрсаткичларини ҳисобга олиш масалалари ўзбек олимлари ишларида ўз аксини топган. Бироқ бугунги кунда транспорт хизматлари бозорида, жамоат транспортида йўловчи ташишда маркетинг тадқиқотлари бўйича махсус изланишлар олиб борилмаган. Мазкур ҳолатдан келиб чиқиб, транспорт хизматлари бозорида, хусусан, жамоат транспортида маркетинг тадқиқотларини такомиллаштириш масаласи долзарб ҳисобланади.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.**

---

Sons.; Evans, J. R., & Berman, B. (2002). Marketing: Marketing in the 21st century. Cincinnati, OH: Atomicdog Publishing.Com; Shukla, P. (2008). Essentials of marketing research. Bookboon.; Котлер Ф. Основы маркетинга. Краткий курс. Пер. с англ. – М.: Вильямс, 2003. – 656 с.; Малхотра Н.К. Маркетинговые исследования: практическое руководство. – М.: Вильямс, 2003. - 960 с.

<sup>6</sup> Barnes, C. (1989). Successful marketing for the transport operator: A practical guide. Kogan Page.; Уотерс, Д. (2003). Логистика. Управление цепью поставок. Logistics: An Introduction to Supply Chain Management. Серия: Зарубежный учебник.; Бачурин, А.А. Маркетинг на автомобильном транспорте : учеб. пособие для вузов / А. А. Бачурин. – 2-е изд., испр. и доп. – М. : Издательство Юрайт, 2018. –199 с.

<sup>7</sup> Беляевский И.К. Маркетинговое исследование: Учебное пособие, руководство по изучению дисциплины, практикум по курсу, учебная программа / Московский государственный университет экономики, статистики и информатики. – М. 2004. – 414 с.; Голубков Е.П. Маркетинговые исследования: теория, методология и практика: учеб. изд. 3-е., перераб. и доп. – М.: Финпресс, 2003. – 496 с.; Борким А.И. Маркетинговые исследования: информация, анализ, прогноз. Учеб. пособ. – М.: ФиС, 2002. – с. 72.; Коротков, А.В. Маркетинговые исследования : учебное пособие для среднего профессионального образования / А. В. Коротков. – М : Издательство Юрайт, 2019. — 224 с.

<sup>8</sup> Икрамов, М. А., Абдухалилова, Л. Т. (2017). Маркетинг тадқиқотларида статистик таҳлил. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт; Қосимова М., Абдухалилова Л. Маркетинг тадқиқотлари. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2012. 20б; Болтабаев М.Р. Ўзбекистон Республикаси тўқимачилик саноати экспорт имкониятларини ривожлантиришда маркетинг стратегияси. И.ф.д. илм. дар. ол. уч. тақд. эт. дисс. автореф. – Тошкент, 2005. – 36 б.; Эргашходжаева Ш.Дж. Инновацион маркетинг. Дарслик. – Т.: ТДИУ, Иқтисодиёт, 2014. –178 бет.; Солиев А. Маркетинг, бозоршунослик. – Т.: Адолат, 2008. – 237 б; Салимов С.А. Основы маркетинга на автомобильном транспорте Узбекистана. Учебное пособие для бакалавров и магистров по специальности «Маркетинг». – Т.: ТАЙИ, 2006. – 170 с.; Сафаров Н.Ч. Халқаро транспорт хизматлари бозорида рақобатбардошликни оширишнинг устувор йўналишлари. И.ф.н. илм. дар. ол. уч. тақд. эт. дисс. автореф. – Т.: 2012. – 23 б.; Фаттохов А.А. Стратегии маркетинга в оптовой торговле и пути повышения её эффективности. Автореф. дисс. на соиск. уч. ст. д.э.н. – Т., 2004. Жалолова Д.Ж. Истеъмол товарлари бозорида маркетинг тадқиқотлари: и.ф.н.дисс. автореф. – Т.: ТДИУ, 2008. - 22 б.; Мирзажонов А.Қ. Ўзбекистон Республикаси дон маҳсулотлари мажмуасини ривожлантиришнинг маркетинг тадқиқотлари: икт.фан.ном.дис.автореф. – Т.: ТДИУ, 2008. –19 б.; Саидахмедова Н.И. Истеъмол товарлари маркетинги тизимида товар сиёсатининг шаклланиши. и.ф.н.дисс. автореф. – Т.: ТДИУ, 2006. – 24 б.; Хотамов И.С. Ўзбекистон Республикаси машинасозлик тармоғи экспорт салоҳиятининг маркетинг тадқиқотлари: и.ф.н. дисс. автореф. – Т.: ТДИУ, 2008. – 23 б.

Мазкур тадқиқот Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ОТ-А2-050 «Корхоналарнинг маркетинг фаолиятида мотивация усулларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш» мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** жамоат транспорти фаолиятида маркетинг тадқиқотларидан фойдаланишни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқот вазифалари қуйидагилардан иборат:**

жамоат транспорти фаолиятида маркетинг тадқиқотларининг моҳияти ва ролини аниқлаш;

жамоат транспортида маркетинг тадқиқотларидан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш ва асослаш;

маркетинг тадқиқотларида ахборот таъминоти ва жамоат транспорти бўйича хорижий мамлакатлар тажрибасини тадқиқ этиш;

жамоат транспорти фаолиятида маркетинг тадқиқотларини ташкил этиш ва уни тадқиқот кетма-кетлиги методологиясини ишлаб чиқиш;

жамоат транспортида замонавий маркетинг тадқиқотлари ва инновациялардан фойдаланиш йўлларини кўрсатиш;

жамоат транспортида хизмат сифатини оширишда фокус гуруҳ тадқиқот усулидан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш;

жамоат транспортида маркетинг тадқиқотлари самарадорлигини баҳолаш;

жамоат транспорти фаолиятида маркетинг тадқиқотларидан фойдаланишни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Жиззах вилоятидаги жамоат транспортида йўловчи ташишдаги маркетинг тадқиқотлари фаолияти олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** транспорт хизматлари бозорида маркетинг тадқиқотларини амалга ошириш жараёнида юзага келувчи иқтисодий муносабатлар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида «кабинет» ва «дала» тадқиқотлари, сабаб-оқибат таҳлил усуллари, сўровнома, эксперт баҳолаш, фокус гуруҳ, статистик гуруҳлаш, танланма кузатув, корреляцион-регрессион таҳлил, SWOT, PESTEL, CANVAS таҳлиллари ва бошқа усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

жамоат транспорти хизмати сифатини баҳолаш ёндашуви жараёнга таъсир этувчи омиллар («хавфсизлик», «вақт», «қулайлик», «ахборот мавжудлиги») таркибини дифференциаллаштирилган ҳолда уларни «қизил», «сарик» ва «яшил» тоифалар бўйича баҳолаш асосида такомиллаштирилган;

жамоат транспорти фаолиятида йўловчилар ҳаракатчанлигининг барқарорлиги таъминлашда транспорт хизмати сифатини баҳолаш кўрсаткичлари таркибига «транспортнинг ҳаракатланиш вақти», «қулай алмашинув бекатлари» ва «мослашувчан иш жадвали» кўрсаткичларини киритиш таклиф этилган;

Жиззах вилояти жамоат транспорти корхоналарининг замонавий маркетинг тадқиқотларини такомиллаштиришда ижтимоий-инновацион



дастурларни (ақлли бекат, тўлов тизими, ҳаракат назорати) ишга туширишнинг мақсадга мувофиқлиги асосланган;

Жиззах вилояти жамоат транспортида йўловчи ташиш ҳажми ўзгаришига жамоат транспорти хизмати сифатига талабни ошириш ҳамда жамоат транспортига сифат ўзгаришлари таъсирининг 2025 йилгача прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:

жамоат транспорти соҳаларида маркетинг тадқиқотларини ташкил этиш ва ўтказиш жараёнининг кетма-кетлигини белгилашнинг асосий вазибалари, усул ва мақсадлари тизимининг жамоат транспортида намоён бўлиш хусусиятлари асосланган;

жамоат транспорти тизимида йўловчи ташишда маркетинг тадқиқотларидан фойдаланиш бўйича мавжуд муаммолар аниқланиб, уларни бартараф этиш бўйича илмий таклифлар ишлаб чиқилган;

Ўзбекистонда жамоат транспортида йўловчи ташишда маркетинг тадқиқотларининг ўзига хос жиҳатлари ўрганилиб, маркетинг тадқиқотларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар берилган;

маркетинг тадқиқотлари доирасида олиб бориладиган эконометрик таҳлил усуллари орқали баҳолаш асосида ривожланиш истиқболлари белгиланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги.** Диссертацияда Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси транспорт вазирлиги, Жиззах вилояти транспорт бошқармасининг статистик ва бухгалтерия ҳисоботлари, муаллифнинг маркетинг тадқиқотлари натижаларидан фойдаланилди.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, жамоат транспортида йўловчи ташишда маркетинг тадқиқотларини олиб боришнинг такомиллаштирилган методологик ёндашуви транспорт корхоналарига жорий этилган. Замонавий маркетинг тадқиқотларидан рақамли маркетинг, ижтимоий медиа маркетинг сингари инновацион маркетинг технологияларидан фойдаланиш мумкинлиги, хорижий мамлакатларда ўтказилган маркетинг тадқиқотларига асосан транспорт хизматларига таъсир этувчи омиллар асосланганлиги ва улардан Ўзбекистонда фойдаланиш бўйича услубий тавсиялар ишлаб чиқилганлиги ҳамда Жиззах вилояти жамоат транспортида йўловчи ташиш ҳажми прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти сифатида жамоат транспортида йўловчи ташиш фаолиятида маркетинг тадқиқотларининг ўзига хос жиҳатлари, хорижий жамоат транспортида йўловчи ташишда маркетинг тадқиқотларининг ўрнини баҳолаш ва мамлакатимиз жамоат транспортида йўловчи ташишда маркетинг тадқиқотларини ўтказиш, улар асосида истиқболли дастурларни шакллантириш, ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар йўловчи ташувчи транспорт корхоналарида маркетинг тадқиқотлари ўтказиш

борасида Транспорт вазирлиги, консалтинг фирмалари учун услубий асос сифатида, шунингдек, назарий ва статистик материаллардан олий таълим муассасаларида «Маркетинг» ва «Маркетинг тадқиқотлари» фанлари бўйича ўқув дастурларини такомиллаштириш ҳамда ўқитиш жараёнида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Жамоат транспорти фаолиятида маркетинг тадқиқотларидан фойдаланишни такомиллаштириш бўйича олинган натижалар асосида:

жамоат транспорти хизмати сифатини баҳолаш ёндашуви жараёнга таъсир этувчи омиллар («хавфсизлик», «вақт», «қулайлик», «ахборот мавжудлиги») таркибини дифференциаллаштирилган ҳолда уларни «қизил», «сарик» ва «яшил» тоифалар бўйича баҳолаш асосида такомиллаштириш таклифи Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлигининг ID-523 идоравий қарорида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлигининг 2021 йил 19 майдаги 6/3191-сон маълумотномаси). Мазкур тавсиялар жамоат транспорт турлари бўйича хизмат сифатини яхшилаш, бекатларни мижозлар учун тўлиқ маълумот билан таъминлаш ва автоматлаштирилган чипта тизимига ўтиш, автотураргоҳларни автоматлаштириш бўйича услубий тавсиялар амалиётга жорий этилиши натижасида доимий истеъмолчилар сони 4,7 фоизга, хизмат кўрсатиш ҳажми 9,2 фоизга ошган;

жамоат транспорти фаолиятида йўловчилар ҳаракатчанлигининг барқарорлигини таъминлашда транспорт хизмати сифатини баҳолаш кўрсаткичлари таркибига «транспортнинг ҳаракатланиш вақти», «қулай алмашинув бекатлари» ва «мослашувчан иш жадвали» кўрсаткичларини киритиш таклифи Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлигининг «Ташиш жараёнларини бошқариш бўйича дастурий таъминот ва электрон тизим ишлашининг ягона минимал стандартларини тасдиқлаш тўғрисида»ги ID-3324 идоравий қарорида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлигининг 2021 йил 19 майдаги 6/3191-сон маълумотномаси). Мазкур илмий янгиликнинг жорий этилиши натижасида Жиззах вилоятида фаолият юритаётган инновацион технологиялардан фойдаланган корхоналарнинг иқтисодий самарадорлиги 1,5 баробарга ошган;

Жиззах вилояти жамоат транспорти корхоналарининг замонавий маркетинг тадқиқотларини такомиллаштиришда ижтимоий-инновацион дастурларни (ақлли бекат, тўлов тизими, ҳаракат назорати) ишга туширишнинг мақсадга мувофиқлиги таклифи Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлигининг «Ташиш жараёнларини бошқариш бўйича дастурий таъминот ва электрон тизим ишлашининг ягона минимал стандартларини тасдиқлаш тўғрисида»ги ID-3324 идоравий қарорида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлигининг 2021 йил 19 майдаги 6/3191-сон маълумотномаси). Мазкур маркетинг тадқиқоти ёндашуви орқали Жиззах шаҳрида жойлашган «Ало престиж сервис» МЧЖда инсон омили баргараф этилган.

Жиззах вилояти жамоат транспортида йўловчи ташиш ҳажми ўзгаришига жамоат транспорти хизмати сифатига талабни ошириш ҳамда жамоат

транспортига сифат ўзгаришлари таъсирининг 2025 йилгача прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган (Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлигининг 2021 йил 19 майдаги 6/3191-сон маълумотномаси). Мазкур комплекс кўрсаткичлари ҳудудларда транспорт корхоналаридан тўлиқ ахборот олишга кўмаклашишнинг истиқболли йўналишларини ишлаб чиқиш дастурларида фойдаланилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари, 6 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 26 та илмий иш, шундан 4 та ОАК томонидан эътироф этилган маҳаллий журналларда, 14 та халқаро журналларда мақола, 6 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий конференция тўпламларида маъруза тезислари чоп қилинган.

**Тадқиқот ишининг тузилиши ва ҳажми.** Тадқиқот иши кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан ташкил топган бўлиб, жами 155 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ҳамда предмети таснифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари ёритиб берилган. Шунингдек, илмий тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, мавзу доирасида чоп этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Жамоат транспортида маркетинг тадқиқотларини ташкил этишнинг назарий-услубий асослари**» деб номланган биринчи бобида жамоат транспорти фаолиятида маркетинг тадқиқотларини олиб боришнинг назарий ва услубий асослари, жамоат транспортида замонавий маркетинг тадқиқотларидан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари, маркетинг тадқиқотларида ахборот ва маълумотларнинг назарий ва услубий жиҳатлари тадқиқ қилинган.

Тадбиркорлик субъектларининг халқаро иқтисодий фаолияти уларнинг замонавий бозор иқтисодиётида самарали фаолият юритиши учун шарт-шароит яратади ва Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодий тизимида интеграциялашуви учун объектив асосни ташкил этади<sup>9</sup>.

Янги самарали транспорт технологиялари ривожланмай, транспорт инфратузилмаси, транспорт тизимининг барқарор ишлаши, истеъмолчилар учун транспорт хизматларининг кафолатланган имкониятларини таъминлаш ва ташувчилар учун иқтисодий хавфларни камайтириш мушкулдир. Транспорт

---

<sup>9</sup> Рзаев, А. Р. (2014). Теоретические основы и принципы формирования рынка транспортных услуг. Наука и бизнес: пути развития, (12), 152.

ҳар бир мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига сезиларли таъсир кўрсатади.

Маркетинг тадқиқотлари мазмунининг хилма-хиллигига кўра, ҳали ҳам маркетинг тадқиқотларининг умумий концепцияси мавжуд эмас. Мутахассислар маркетинг тадқиқотларини белгилашда фақат маълумот тушунчаси билан чекланадилар. Бошқалар маркетинг тадқиқотларининг функциялари ёки вазифаларини санаб ўтадилар.

Маркетинг тадқиқотларининг барча объектларини санаб ўтишнинг иложи йўқлиги сабабли, маркетинг тадқиқотлари билан шуғулланувчи мутахассисларнинг фаолият доираси чекланган. Маркетинг тадқиқотларини ўтказишга масъул бўлинманинг функционал вазифалари оддий бўлиб қолади.

Маркетинг тадқиқотларига берилган таърифдан ва унга сарфланувчи харажатлар кўплигидан, ўз навбатида, маълум бўлдики, бозор тадқиқотлари ва маркетинг тадқиқотларини фарқлаш талаб этилади (1-жадвал).

1-жадвал

**Маркетинг тадқиқотлари ва бозор тадқиқотлари ўртасидаги фарқ<sup>10</sup>**

<b>БОЗОР ТАДҚИҚОТЛАРИ</b>	<b>МАРКЕТИНГ ТАДҚИҚОТЛАРИ</b>
Бозор ўлчамлари ва рақобат Бозор тенденциялари Бозор сегментацияси Мақсадли бозор идентификацияси Бозор талаби	Концепцияни / маҳсулотни синовдан ўтказиш Бренддан хабардорлик Бренд идроки Нархланиш афзалликлари / таъсирчанлиги Реклама / тарғибот самарадорлиги
	Рақобат Нарх Товар Маҳсулот атрибутлари(ранг ва ҳажм) Талабни баҳолаш

Хусусан, йўловчи ташиш транспорти инфратузилмаси сифатини янада ошириш ва мижозларга йўналтирилган хизматлар ташкил этиш, мижоз ва транспорт корхоналари муносабати уйғунлигига йўналтирилган самарали маркетинг фаолиятини ташкил этиш йўналишларидаги тадқиқотларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратишни тақозо этилмоқда.

Истеъмолчига йўналтирилган бошқарув тушунчаси сифатида маркетингга замонавий ёндашув маркетинг тадқиқотлари мақсадларини кенг талқин қилиш имконини беради. Шунингдек, маркетинг тадқиқотлари йиллар давомида қандай шаклланганлиги, маркетинг усулларининг ривожланиш босқичлари ва асосий янгиликлар, маркетинг тадқиқотларига берилган таърифлар тадқиқ қилинди. Олимлар томонидан мунозарага сабаб бўлаётган маркетинг тадқиқотлари ва бозор тадқиқотлари ўртасидаги фарқ ва ўхшашликлар, маркетинг тадқиқотларига сармоя киритишнинг афзаллик ва чекловлари аниқланган.

<sup>10</sup> Муаллиф ишланмаси.



1-расм. Маркетинг тадқиқотларининг кенгайтирилган парадигмаси (GfK компанияси)<sup>11</sup>

Юқоридаги 1-расмда берилган парадигма бўйича йирик GfK маркетинг тадқиқотларини ўтказувчи компания жамоат транспорти соҳаларида маркетинг тадқиқотларини ўтказган.

Ўзбекистон Республикасида 2021 йил 1 январь ҳолатига транспорт соҳасида 2020 йилда жами ташилган йўловчилар 5240,4 млн. кишини ташкил этди. Йўловчи айланмаси ҳажми эса 116,7 млрд. йўловчи-км.га тўғри келди. Транспорт турлари бўйича йўловчи ташиш таркибида 2018 йилда автомобиль транспорти етакчи салмоққа эга бўлиб, жами йўловчи ташиш ҳажмидаги улуши 99 фоизни, қолган 1 фоизини метрополитен, темир йўл, ҳаво транспорти ва бошқа транспорт турлари ташкил этган<sup>12</sup>.

Илмий тадқиқотларда йўловчи ташиш транспорти, айниқса жамоат транспорти истиқболини аниқлаш ва келажакда юз берувчи ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда бозорни прогнозлашнинг ўзига хос қийинчиликлари мавжуд. Йўловчи ташиш транспортининг истиқболини прогнозлаш ва маркетинг стратегияларини ишлаб чиқиш учун, аввало, бундай хизматларга талабни шакллантирувчи омилларни тизимлаштириш ва баҳолаш талаб этилади.

Жамоат транспорти фаолияти самарадорлигини оширишда маркетинг тадқиқотларининг муқобил вариантларини танлаш билан бир қаторда ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий омиллар ўзгаришини ҳисобга олиш зарур. Шунингдек жамоат транспорти бўйича хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш ва улардан Ўзбекистон шароитида фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Диссертациянинг «Жамоат транспорти корхоналарида маркетинг тадқиқотларини амалга ошириш жараёнлари ва ҳолати таҳлили» деб номланган иккинчи бобда Жиззах вилояти жамоат транспорти корхоналарида маркетинг тадқиқотларини ўтказиш ҳолати таҳлили, фойда ва

<sup>11</sup> Муаллиф томонидан GfK компанияси материаллари асосида тайёрланган.

<sup>12</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланган.

зарарлар, амортизация ажратмалари тўғрисидаги статистик ҳамда эконометрик таҳлили, истеъмолчи эҳтиёжини қондириш бўйича ўтказилган сўровномалар, маркетинг тадқиқотлари ўтказишнинг хорижий ва халқаро амалиёти, уларнинг қиёсий таҳлили келтирилган.

Ҳозирги кунда тадқиқот объекти сифатида олинган Жиззах вилоятида шаҳар ички, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро 139 та йўналиш мавжуд бўлиб, 6138.5 км масофада 813 та йўналишли автобус ва такси хизмат кўрсатиб келмоқда. Пандемия ҳисобига бундан ташқари 1000 км га режалаштирилган 34 та автомобильдан иборат 5 та корхона вақтинчалик фаолият юритмаяпти (2 жадвал).

2-жадвал

**Жиззах вилояти бўйича йўловчи ташиш йўналишлари таҳлили<sup>13</sup>**

Йўналишлар	Йўналишлар сони	Масофа, км	Автотранспортлар сони
Шаҳар ички автобус йўналишлари	18	350.4	241
Шаҳар ички йўналишли такси йўналишлари	10	94.8	87
Шаҳар атрофи автобус йўналишлари	24	669	27
Шаҳар атрофи йўналишли такси йўналишлари	40	635	343
Вилоят ички шаҳарлараро автобус йўналишлари	31	2697	63
Вилоят ички шаҳарлараро йўналишли такси йўналишлари	1	53.3	5
Вилоятлараро-шаҳарлараро автобус йўналишлари	10	953	30
Вақтинча фаолият юритмаётган вилоятлараро-шаҳарлараро автобус йўналишлари	2	513	8

Маркетинг тадқиқотлари ўтказишда кучли рақобат муҳити жамоат транспорти ва бошқа транспортга оид хизматларни сифатли кўрсатиш билан белгиланади. Урбанизация жараёни, йўловчи ташиш ҳажми ошиши, транспорт хизматлари бозорида белгиланган вазифалар доираси кенгайиши уларнинг динамикасига ёрдам беради. Шунингдек, жамоат транспортида замонавий ахборот технологиялари жорий этилишида намоён бўлиб, Тошкент шаҳрида АТТО тўлов картаси орқали намоён бўлиб, қайси йўналишга қўшимча автобус кераклиги, қайси йўналишнинг ҳаракат жадвалини ўзгартириш кераклиги, маркетинг тадқиқотларини ўтказишда енгиллик яратиш, бундай фаолият турида ривожланиш тенденцияларини ҳисобга олиб, мазкур тизимнинг ривожланишини белгилаб беради.

Жамоат транспорти фаолиятидаги маркетинг фаолияти истеъмолчилар эҳтиёжини қондириш, хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш, транспорт корхоналари рентабеллигини оширишга қаратилган бўлиб, истеъмолчиларга таъсир кўрсатишда реклама воситаларига алоҳида аҳамият берилади. Корхона имижини шакллантиришда рақамли маркетинг элементлари ва ижтимоий

<sup>13</sup> Жиззах вилояти транспорт бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

медиа маркетинг асосий ўринни эгаллайди. Аҳолининг жамоат транспортига талаби турли хил омиллар таъсирида вужудга келади. Баъзи омиллар ижтимоий-иқтисодий қонунлар билан боғлиқ бўлса, бошқа бири йўловчилар айланмаси ва ҳажмига таъсир кўрсатади (3-жадвал).

### 3-жадвал


#### Жиззах вилоятида 2000-2020 йилларда йўловчилар сонига таъсир қилувчи асосий омилларнинг статистик кўрсаткичлари таҳлили<sup>14</sup>

Йиллар	Йўловчилар сони (млн. киши)	Аҳоли зичлиги (км.кв)	Бандлик (минг киши)	ЯИМ (минг сўм/ киши бошига)	Йўловчи айланмаси (йўловчи млн. км)
2000 й.	59.1	46	295	84.267	242.6
2001 й.	44.5	46.8	298	132.263	222.2
2002 й.	30.4	47.4	304.3	205.685	179.9
2003 й.	19.9	48.1	312.4	312.926	121.8
2004 й.	15.2	48.6	323.2	368.273	101.1
2005 й.	13.4	49.2	332.5	479.423	92.2
2006 й.	5	49.6	341.6	625.88	30.2
2007 й.	16	50.2	350.9	749.505	8
2008 й.	2.1	50.9	376.1	966	11.6
2009 й.	59.737	51.8	388.1	1105.8	1459.77
2010 й.	58.285	52.7	404.6	1940.4	1483.4
2011 й.	69.146	55	413.9	2590.7	1659.1
2012 й.	75.509	55.9	424.1	3155.6	1754.7
2013 й.	69.177	56.8	437.3	3715.7	1807.6
2014 й.	69.452	57.8	453	4550.3	1877.1
2015 й.	77.251	58.9	465.4	5328.8	2198.7
2016 й.	80.75	60.2	480.8	6028	2200.6
2017 й.	83.577	61.3	492.6	7373	2265.6
2018 й.	86.162	62.5	539.4	9546.6	2328.3
2019 й.	94.388	63.8	590.3	11807.8	2472.5
2020 й.	88.816	63.57	598.90	12997.30	2356.00

Юқоридаги жадвалда Жиззах вилояти кўрсаткичлар статистик, эконометрик таҳлил қилинган бўлиб, бир қатор йўловчилар ташиш сонига таъсир қилувчи омиллар, яъни аҳоли зичлиги, киши бошига тўғри келувчи ЯИМ, иқтисодиётда банд кишилар сони, йўловчилар айланмаси таҳлил қилинган.

Шунингдек, қуйидаги 2-расмда ҳар бир омилнинг йилга нисбатан регрессия тенгламаси ва детерминация коэффициенти кўрсатиб ўтилган. Кўрсаткичлардан маълум бўлдики, ҳар бир омил йилларга нисбатан бир маромда ошиб борган, фақатгина киши бошига тўғри келувчи ЯИМ кўрсаткичида тўғри чизикқа нисбатан эгилиш катта, бундан шундай хулоса қилиш керакки, Жиззах вилояти аҳолисининг киши бошига даромади жуда тезликда ва инфляция даражаси ҳам кескин ортиб бормоқда.

<sup>14</sup> Статистик маълумотлар асосида муаллиф ишланмаси



**2-расм. Йўловчи сонига таъсир қилувчи омилларнинг йилларга нисбатан регрессия тенгламаси<sup>15</sup>**

Қуйидаги 4-жадвалда Жиззах вилояти статистик кўрсаткичларига эътибор берилса, йўловчи сони, аҳоли агломерацияси, зичлик ва ЯИМнинг улуши ошиб бораётганлигини кузатиш мумкин.

**4-жадвал  
Жиззах вилоятида 2021-2025 йилларда йўловчилар айланмасига таъсир қилувчи омилларнинг прогноз кўрсаткичлари<sup>16</sup>**

Йиллар	Йўловчилар сони (млн. киши)	Аҳоли зичлиги 1 км кв (минг киши)	Бандлик (минг киши)	ЯИМ (минг сўм)	Йўловчи айланмаси (млн. йўловчи/км)
2021	95.004	64.515	571.285	9912.919	2801.312
2022	98.801	65.458	585.893	10493.469	2948.301
2023	102.599	66.401	600.502	11074.020	3095.291
2024	106.4	67.343	615.110	11654.570	3242.280
2025	110.2	68.286	629.719	12235.120	3389.270

Юқорида берилган статистик кўрсаткичлар таҳлиliga асосланиб, Жиззах вилоятининг йўловчилар айланмасига таъсир қилувчи омилларнинг прогноз таҳлили берилган бўлиб, эконометрик ҳисоб-китоб натижасида қуйидаги регрессия тенгламаси тузилган.

$$\text{Йўловчи айланмаси} = -6456.824 + 17.730(\text{Йўловчи сони}) + 94.165(\text{Аҳоли зичлиги}) + 5.143(\text{Бандлик}) - 0.145(\text{ЯИМ} - \text{жон бошига}) \quad (1)$$

<sup>15</sup> Муаллиф ишланмаси.

<sup>16</sup> Муаллиф ишланмаси.



$$\text{Ln(Йўловчи айланмаси)} = -1.514 + 1.362\text{Ln(Йўловчи сони)} + 0.366 \text{Ln(ЯИМ)} \quad (2)$$

Йўловчи айланмасининг регрессия тенгламаси Фишер мезони ва Стюдент тести асосида ҳисобланган бўлиб, тенглама аҳамиятли ва ишончлидир.

Транспорт корхоналари сайтини яратиш, замонавий тўлов дастурларини ўрнатиш, буклетлар, телевидение ва радиода реклама қилиш, хайрия ишларида иштирок этиш корхона фойдасини ошириб, рақобат муҳитида ўз мавқеини сақлаб қолиш асосидир.

Аҳолининг ҳаракатланиши инсоний омил бўлиб, уларнинг ҳаракатланишини режалаштириш мураккаб ва муаммонинг ечимини топиш қийиндир. Йўловчи ташишга талаб ва таклиф жуда мураккаб ижтимоий-иқтисодий жараён бўлиб, маркетинг воситаларидан фойдаланган ҳолда тадқиқотлар олиб бориш ва комплекс ёндашув талаб этилади.


Дунёнинг кўплаб мамлакатларида жамоат транспорти тармоғини ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқишда жамоат транспортининг ривожланиши иқтисодиётнинг ривожланишига муносиб ҳисса қўшади деган фикрдан фойдаланилади.

Жамоат йўловчилар транспорти профессионал даражада ишлаши керак, бу нафақат ҳаракат хавфсизлиги, балки ягона шаҳар иқтисодиёти доирасида турли транспорт турлари узвийлигининг оптимал ўзаро таъсирини ҳам назарда тутади. Кўпроқ ривожланган ҳудудларда метро оптимал бўлиб, аммо нотекис ривожланаётган ҳудудларда автобус ва трамвай йўналишлари ривожланган.

Хусусий автомобиллар сони ортиши, урбанизация даражаси, аҳолининг кўпайиши, янги шаҳар ва қишлоқлар барпо этилиши, аҳолининг гуруҳлашуви, автомобиль йўлларининг оптималлашуви, темир йўл, сув алоқалари, туризм ва маданий-маиший саёҳатлар сони, аҳоли пункти, саноатнинг ривожланганлик ҳолати, географик жойлашув, дам олиш жойлари ва об-ҳаво шароити; аҳоли зичлиги, ёш таркиби, иш вақти, маъмурий марказлар, таксилар, касалхоналар, мактаблар, олийгоҳларнинг жойлашуви; автомобиллар ижараси; чипта тарифлари; аҳолининг маданий даражаси каби омиллар жамоат транспорти фаолиятига таъсир кўрсатади.

Маълумки, жамоат транспортида мунтазам маркетинг тадқиқотлари олиб боровчи давлатларга АҚШ, Германия, Хитой, Жанубий Корея, Индонезия ва Австралия давлатлари киради. Тадқиқот давомида Scopus базасидаги 1081 та илмий мақола VOSviewer дастурида рақамли библиографик таҳлил (**text-mining**) амалга оширилган. Бу тадқиқот дастури нуфузли олимлар томонидан аҳамиятли деб таъкидлаб ўтилган сўзлар жамланган.

Библиографик тадқиқот натижасида дунё олимлари жамоат транспортида энг муҳим *истеъмолчи, мижоз, агрегатор, программа, UBER, Yandex taxi, Didi, CANVAS, SWOT таҳлил, мижоз, БРТ* сўзларини таъкидлаб ўтганлар.



**3-расм. Жамоат транспорти фаолиятида маркетинг тадқиқотлари мавзуси бўйича Scopus базасидаги илмий мақолалар таҳлили<sup>17</sup>**

Диссертациянинг учинчи боби «Жамоат транспорти хизматлари бозорида маркетинг тадқиқотларини такомиллаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш» деб номланиб, унда прогнозлаш ва хорижий тажриба асосида жамоат транспортга инновацияларни киритиш, маркетинг тадқиқотлари комплекси, жамоат транспорти дастурий таъминоти ва фокус-гуруҳ тадқиқотларидан фойдаланиш самарадорлиги масалалари ўрганилган.


Жаҳон мамлакатларида автомобилларга эгалик қилиш даражаси сезиларли даражада ошди, бу эса автомобиль йўлларида транспорт тирбандлиги ва инсон ҳаёти хавфсизлиги билан боғлиқ бир қатор муаммоларни келтириб чиқариб, истеъмолчиларда шахсий автомобиллардан фойдаланиш даражасини пасайтириш зарурати юзага келмоқда. Мазкур ҳолат бу борадаги муаммоларнинг олдини олишда энг самарали ва муқобил йўллари топиш, жамоат транспортдан фойдаланиш ҳажмини кўпайтириш чораларининг билвосита усулларида фойдаланиш ва сифатли хизмат кўрсатишни таъминлаш имконини беради.

Қуйидаги 4-расмда маркетинг тадқиқотлари олиб бориш методологияси берилган бўлиб, Жиззах вилояти транспорт бошқармаси таркибидаги йўловчи ташиш корхоналарида олиб борилган. Бундай методологик ёндашув жуда самарали бўлиб, тадқиқот олиб бориш 3 босқич ва 8 та асосий ишлар жамланмасидан таркиб топган. Жиззах вилояти жамоат транспорти корхоналарининг замонавий маркетинг тадқиқотларини такомиллаштиришда ижтимоий-инновацион дастурларни (ақлли бекат, тўлов тизими, ҳаракат назоратини) ишга туширишнинг мақсадга мувофиқлиги асосланган. Мазкур маркетинг тадқиқоти ёндашуви орқали Жиззах шаҳрида жойлашган «Аъло престиж сервис» МЧЖда инсон омили бартараф этилган.

Жамоат транспортда йўловчи ташиш, автобусларда реклама, бекатларни хусусийлаштириш, такси хизматлари бозорида рақобат кечаётган бир пайтда истеъмолчиларнинг жамоат транспортдан фойдаланиш даражасини оширувчи, йўловчи ташиш транспорти тизимлари ҳамжихатлигини

<sup>17</sup> Муаллиф ишланмаси.

таъминловчи инновацион маркетинг технологияларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ



4-расм. Жамоат транспортда маркетинг тадқиқотларини олиб боришга методологик ёндашув<sup>18</sup>

Ҳисоб-китобларга кўра, мамлакат бўйича кунига қарийб 20 миллион йўловчидан бор-йўғи 4,4 миллиони ёки 22 фоизи жамоат транспортдан фойдаланмоқда. 22 фоиз кўрсаткич йўловчи ташиш фаолиятини юритаётган корхоналар ташиш даромадининг шу минтақада ташилган йўловчиларга нисбатидан келиб чиққан. Бу кўрсаткич Андижон, Қашқадарё, Наманган, Хоразм, Самарқанд, Фарғона, Бухоро ва Тошкент вилоятларида бундан ҳам паст. 1 минг 200 та қишлоқ туман марказигача бўлган йўналишда жамоат транспорти билан қамраб олинмаган. Автобуслар билан таъминланганлик даражаси ҳар 100 минг нафар аҳолига 24 тани ташкил этади. Бу кўрсаткич

<sup>18</sup> Муаллиф ишланмаси.

Сурхондарё, Қашқадарё, Наманган ва Андижонда 15 тага ҳам етмайди. Транспорт паркини янгилаш учун келгуси йилда республикага қўшимча 800 та автобусга эҳтиёж мавжуд<sup>19</sup>.

5-жадвал

**Барқарор жамоат транспорти кўрсаткичлари<sup>20</sup>**

Тамойиллар	Кўрсаткичлар
Ихчам ва инсонлар учун шаҳарни режалаштириш	Шаҳар марказида арзон тураржой лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш
	Инсон миқёсида моделларнинг муҳимлиги, шаҳар ва транспорт қурилишини интеграциялаш
	Кичик шаҳарни ободонлаштириш ишлари, шаҳар ҳудудлари яратилиши
Шаҳарлараро транзитга йўналтирилган лойиҳаларни ишлаб чиқиш	Шаҳар мини-марказларини ривожлантириш
	Асосий транспорт алмашувларида савдо объектларини қўпайтириш
	Офис иншоотларини транзит станцияларига яқинроқ жойлаштириш
	Транзит станциялари атрофида зичлиги юқори бўлган хонадонлар яратиш
Тизимни оптималлаштириш	ТВ ҳаракат маълумотини тақдим этиш (жорий иш, тирбандлик, машиналар тураргоҳи)
	Йўл ҳаракати қоидаларини мустаҳкамлаш
	Турар жойлар атрофида тезликни 30км/соатига чеклаш
Пиёда ва велосипедда ҳаракатланишни таъкидлаш ва рағбатлантириш	Концепцияларни амалга ошириш, велосипед йўллари, аҳоли учун велосипед ижараси, тўлиқ шаҳар велосипед тармоғини яратиш
	Пиёда тротуарлари, велосипед йўллари ва тўлиқ кўчаларни юқори стандартда лойиҳалаштириш, пиёдалар учун тўсиқларни олиб ташлаш, пиёдалар зоналари
	Чорраҳаларда пиёда ва велосипедчиларнинг хавфсизлигини таъминлаш
Транспорт воситаларидан фойдаланишни назорат қилиш	Шаҳар логистик тақсимлаш марказлари
	Ҳаракатни чеклаш, масофали тарификация
	Велосипед ёки жамоат транспорти билан ҳаракатни рағбатлантириш
	Масофали иш ва мослашувчан иш жадвали
Транзитни такомиллаштириш	Шаҳар транспортда юқори сифатли хизмат кўрсатишни таъминлаш
